

**QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 2-son)**



**PEDAGOGIKA
PEDAGOGY**

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Мелибоева Гулчехра Салаватовна

Қўқон давлат педагогика институти доценти

[meliboyeva1974@gmail.com.](mailto:meliboyeva1974@gmail.com) +998903014627

ORCID ID 0009-0009-8068-3721

Аннотация. Мақолада таълим самародорлигини оширишда интерфаол методларниг ўрни ва уларнинг дидактик имкониятлари хакида сўз юритилган. Шу билан бирга баъзи интерфаол методларниг фойдаланиш тартиби келтирилган. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма, малака даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади. Бу эса бугунги кунда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун тўғри қўлланилган интерфаол методлар объектив воқеликка оид билимларми чукурлаштиради ва яхлит ҳамда машғулотнинг илмий- назарий даражасини оширади. Кетма-кет сараланган интерфаол методлар маълум даражада билиш ва касбий қизиқишини ривожлантиришга, мустақил амалий фаолиятни фаоллаштиришга олиб келади.

Калит сўзлар: интерфаол таълим, иттерфаол методлар, анъанавий таълим, сухбат, Скарабей, Мантиқий чалкаш занжир, SWOT таҳлил стратегиялари

ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ И ИХ ДИДАКТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация. В статье говорится о роли интерактивных методов и их дидактических возможностях в повышении эффективности обучения. При этом представлен порядок использования некоторых интерактивных методов. Одним из важных требований к организации современного образования является достижение высоких результатов в короткие сроки, не затрачивая слишком больших умственных и физических усилий. Предоставление студентам определенных теоретических знаний в короткие сроки, формирование у них умений и компетенций к определенной деятельности, а также

контроль деятельности студентов, оценка уровня приобретенных ими знаний, умений и квалификации требует высокого педагогического мастерства. мастерство преподавателя и новый подход к образовательному процессу. Сегодня это требует использования интерактивных методов. Следовательно, правильно используемые интерактивные методы углубляют познание объективной реальности и повышают общий и научно-теоретический уровень обучения. Последовательно выбранные интерактивные методы приводят к определенному уровню знаний и развитию профессионального интереса, активизации самостоятельной практической деятельности.

Ключевые слова: интерактивное обучение, интерактивные методы, традиционное обучение, беседа, стратегии Скарабей, Логическая цепочка путаницы, SWOT-анализ

INTERACTIVE METHODS AND THEIR DIDAKTIC POSSIBILITIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Abstract. Article talks about the role of interactive methods and their didactic possibilities in increasing the effectiveness of education. At the same time, the order for using some interactive methods is presented. One of the important requirements for the organization of modern education is to achieve high results in a short time without spending too much mental and physical effort. Delivering certain theoretical knowledge to students in a short period of time, forming skills and competencies in them for certain activities, as well as controlling the activities of students, evaluating the level of knowledge, skills, and qualifications acquired by them, requires a high pedagogical skill from the teacher and a new approach to the educational process. This requires the use of interactive methods today. Therefore, correctly used interactive methods deepen the knowledge of objective reality and increase the overall and scientific-theoretical level of training. The sequentially selected interactive methods lead to a certain level of knowledge and professional interest development, activation of independent practical activity.

Key words: interactive education, interactive methods, traditional education, conversation, Scarabeu, Logical Confusion Chain, SWOT analysis strategies

КИРИШ

Таълим тизимига интерактив технологияларни жорий этиш оркали таълим самарадорлигига эришиш, таълим-тарбиявий ишлар сифатини янада яхшилаш, ракрбатбардош кадрлар тайёрлаш, бўлажак мутахассисларда ижодкорлик кобилиятини шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Таълим-тарбия фоалиятидаги барча сайдаракатлар билим берувчи, тарбияловчи устоз ва мураббийлар билан билим олевчи, тарбияланувчи талабалар ҳамкорлигидаги ёки мустакил меҳнати, фаоллиги ва ижодий фикрлашидан иборат булган кўпқиррали ва мураккаб жараёнлардир[1].


АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТДОЛОГИЯСИ

Шунинг учун замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлади? Куйида ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

Интерфаол таълим (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” –ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим

Моҳиятига кўра интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларини англатади. Мантиқий нуқтаи назардан эса интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди[3].


Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам сухбат (диалог)га асосланган ва бу сухбат қуидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



1-расм Анъанавий таълимга асосланган сухбат

Интерфаол таълим ўқитиши жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гурӯҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гурӯҳи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол таълимда сухбат қуидаги шахслар ўртасида ташкил этилади



2-расм. Интерфаол таълимда ташкил этиладиган сухбат (диалог)

Интерфаол таълим технологиялар моҳиятига кўра сұхбатнинг “талаба–ахборот–коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигига ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўнишка, малакаларнинг ўзлаштирилишини англаради.

Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сұхбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр–мұлоғазаларини эркін бёён қилиш, ўз нұқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади[2].

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сұхбат” ва б.
2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёrap”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва х.к.
3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б[2].

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Интерфаол таълим методлари ўзига хос бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида фойдаланиш тартибига эга. Шу ўринда баъзи бир интерфаол таълим методлари ва уларни таълим амалиётида қўллаш тартиби тўғрисида сўз юритилади.

“Скарабей” стратегияси (“Қўнғиз”) талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини, хотирани, шунингдек, муайян муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ, эркін ифодалаш малакасини ривожланишига хизмат қиласди. Талаба стратегияни қўллаш жараёнида билимларининг сифати, даражасини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзуу ҳақидаги тасаввури кўламини аниқлаш имкониятини қўлга киритади. Стратегия, шунингдек, турли ғояларни очиқ, эркін, мантиқан ифодалаш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашда ҳам самарали саналади.

Стратегиядан дарснинг муайян босқичларида турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Яъни:

Дарснинг бошида	Талабаларнинг ўқув фаолиятини рағбалантириш
Дарснинг ўртасида	Ўқув материалининг моҳияти, мазмuni ва тузилишини белгилаш

Дарснинг охирида	Талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва машғулотни яқунлаш
------------------	---

Мазкур стратегия талаба томонидан осон қабул қилинади. Зеро, у шахсга хос фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган[1].

“Мантиқий чалкаш занжир” стратегияси тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетлиқда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзуни ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади.

Машғулотда стратегияни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Ўқитувчи талабаларни стратегиянинг моҳияти билан таништиради

2. Талабалар бир нечта кичик гуруҳларга бириттирилади

3. Кичик гуруҳларга чалкаш маълумотларни ўзида ифодалаган тарқатмали материаллар берилади

4. Топшириқларни бажариш учун вақт ҳажми (5 дақиқа) белгиланади

5. Кичик гуруҳ тарқатмали материалда ифодаланган матннаги мантиқий хато ва чалкашликларни аниқлаб, узилган занжирни “улаш”та ҳаракат қиласи

6. Белгиланган вақт яқунлангач, ҳар бир гуруҳдан бир нафар вакил жамоани топшириқ мазмунни ва гуруҳнинг жавоблари билан таништиради


7. Жамоада гуруҳларнинг жавоблари юзасидан муҳокама ташкил этилади

8. Ўқитувчи жамоанинг фикрига таяниб гуруҳлар ишини баҳолайди

Изоҳ: ўқитувчи мустақил ишлашини таъминлаш учун ҳар бир талабага мазмунини бироз ўзгартирган ҳолда алоҳида топшириқ бериши мумкин.

“Таълим методлари” бўйича чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлигини ечиш. Дастреб ўқитувчи доскага таълим методларни чалкаштирилган ҳолда ёзиб қўяди. Сўнгра, улардан мазкур методларни қайси гуруҳга киришига қараб, оғзаки, кўргазмали ва амалий методларга таснифлашни таклиф этади.

Машқ Ҳикоя Видеометод Мунозара Дидактик ўйинлар Лаборатория методи Суҳбат Тушунтириш Маъруза Китоб билан ишлаш Иллюстрация Демонстрация



“Swot-таҳлил” стратегияси муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қиласи. Талабалар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали

моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қўйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:

S (strength)	Кучли (устун) жиҳатлари (ҳал этилаётган муаммонинг афзаликларини ёритиш)
W (weakness)	Кучсиз (заиф) жиҳатлари (мақсадга эришиш йўлида ташкил этилаётган ҳаракатларга ички омилларининг таъсирини ўрганиш)
O (opportunity)	Имкониятларни чамалаш (белгиланган вазифаларни ҳал этишнинг энг мақбул йўлларини излаш)
T (threat)	Таҳдидни ўрганиш (мақсадга эришиш йўлида ташкил этилаётган ҳаракатларга ташқи омилларининг таъсири аниқлаш)

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий ғтажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи[4].

Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда ўқувчи ва талабаларнинг ёщ, психологияк хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирилик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

ХУЛОСА.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар групҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим оловчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда мухитни яратишда катта имкониятларга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари – Тошкент: 2015. – 208 бет.
3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Метод.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
4. Meliboyeva G.S. Kimyoni o‘qitishda zamonaviy texnologiyalar Farg‘ona 2020